

# САНИТАРИЯ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ВА ЭПИДЕМИЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЬИЙ РИОЯ ҚИЛИНГ АЗИЗ ТУМАНДОШЛАР!

Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб үтмади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекитон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон [Фармони](#), Ўзбекитон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 26 мартағи ПҚ-4649-сон [карори](#), Ўзбекитон Республикаси Президентининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тибиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 26 мартағи ПҚ-4652-сон [карори](#), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон [фармойиши](#), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 23 мартағи 176-сон [карори](#) [ОКОЗ:

1.14.00.00.00 Соғлиқни сақлаш. Жисмоний тарбия. Спорт. Туризм / 14.01.00.00 Соғлиқни сақлаш / 14.01.08.00 Аҳолининг санитария-эпидемиологик соғломлиги / 14.01.08.01 Умумий масалалар;

2.14.00.00.00 Соғлиқни сақлаш. Жисмоний тарбия. Спорт. Туризм / 14.01.00.00 Соғлиқни сақлаш / 14.01.08.00 Аҳолининг санитария-эпидемиологик соғломлиги / 14.01.08.03 Инфекцион ва оммавий касалликлар профилактикаси]

[ТСЗ:

1.Ижтимоий-маданий масалалар / Соғлиқни сақлаш. Санитарияга оид қонун ҳужжатлари]

қабул қилинди.

Бош вазир раҳбарлигига республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бу оғатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданоқ барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шоҳобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масоғавий ишлашга ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддаси санитария қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлик ҳукуқий муносабатларни тартибга солиб, мазкур мбдда талабига кўра Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима

---

солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартиба солади.

Мазкур модданинг 1-қисмида Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг маҳсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача яъни миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Мазкур модданинг 2-қисмида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартиба риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Хурматли тумандошлар! Сизлардан илтимос, жамоат жойларида доим ниқоб билан бўлинг, белгиланган мажбурий қоидаларни бузманг. Зоро, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш яхшиликка олиб бормайди. Чунки, коронавирус менга юқмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак.

**Мұхтарам Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қиласалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг ilk белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қиласалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Бош прокуратураси ҳузуридаги**

**Мажбурий ижро бюроси**

**Фарғона вилояти Данғара туман бўлими**

2020-04-03 17:03:13